ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ

ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА ЕР КАДАСТРИ ФАКУЛЬТЕТИ

# Давлат кадастрларининг назарий ва ҳуқуқий асослари

Тошкент - 2017

fido-biznes

# Давлат кадастрларининг назарий ва ҳуқуқий асослари

**РЕЖА:**

1. Давлат кадастрлари тушунчаси, моҳияти ва мазмуни.

2. Давлат кадастрлари ягона тизимини яратиш ва юритиш тартиби

3.  Давлат кадастрларининг ягона тизими объекти ва таркибий қисмлари

fido-biznes

# Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

**Асосий адабиётлар:**

1. Рахмонов Қ.Р. Давлат кадастрлари. Ўқув қўлланма. Т.,ТИМИ, 2008 - 160 б.
2. Нишонбоев Н. Давлат кадастри асослари. Ўқув қўлланма. Т.ТАҚИ, 2007 – 126 б.

**Қўшимча адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг "Давлат кадастрлари тўғрисида"ги Қонуни, Тошкент, «Адолат», 2001.
2. Бабажонов А.Р., Рахмонов Қ.Р, Ғофиров А. Ер кадастри. Т.ТИМИ, 2008.- 220 б.
3. Чертовицкий А.С., Земельный кадастр. Учебное пособие Т.ТИМИ, 2012- 296 б.
4. Tim H anstad. Designing Land Registration S ystems for Developing Countries. American University International Law Review. USA, 1998.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 16 февралдаги 66-сонли "Давлат кадастрлари ягона тизимини яратиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги Низом"ни тасдиқлаш ҳақидаги Қарори. Т. 2005.

fido-biznes

# Кадастр ўзи нима?

- **Кадастр** - французча “**cadastre**” сўзидан олинган бўлиб, рўйхат, муайян объектлар тўғрисидаги тизимлаштирилган аниқ ва зарурий маълумотлар реестрини билдиради.
- Манбааларда келтирилишича, кадастр ва кадастр ишлари қадимдан пайдо бўлган бўлиб, асосан ерларни ҳисобга олиш мақсадида ер участкаларининг чегараларини, ер майдонларини белгилаш тарзида ўтказилган.

fido-biznes

# Давлат кадастрлари тушунчаси

- ***Давлат кадастри*** - Давлат кадастрлари ягона тизимининг таркибий кисми хисобланади хамда у давлат кадастри юритиладиган табиий, хўжалик объекти ёки бошқа объект муайян турининг географик жойлашуви, ҳуқуқий мақоми, миқдор, сифат тавсифлари ва баҳоси тўғрисидаги янгиланиб туриладиган маълумотлар ва хужжатлар тизимидан иборат бўлади.

# ДАВЛАТ КАДАСТРИ

## Давлат кадастрларини юритишнинг ҳуқуқий асослари

- Ўзбекистон Республикасининг **Ер кодекси,** 1998 йил 30 апрель;
- Ўзбекистон Республикасининг **“Давлат кадастрлари тўғрисида”ги** Қонуни 2000 йил 15 декабрь;
- Ўзбекистон Республикасининг **“Давлат ер кадастри тўғрисида”ги** Қонуни 1998 йил 28 август;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 16 февралдаги 66-сонли қарори билан тасдиқланган **“Давлат кадастрлари ягона тизимини яратиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низом”**

# Давлат кадастрларини юритишнинг асосий вазифаларига куйидагилар киради:

- кадастр объектларига бўлган мулк ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш;
- кадастр объектларининг миқдор ва сифат тавсифини ҳисобга олиш;
- кадастр объектларини сифат ва қиймат жиҳатидан баҳолаш;
- кадастрга доир ахборотни тизимга солиш,сақлаш ва янгилаб бориш;
- кадастр объектларининг ҳолати ҳақида ҳисоботлар тузиш;
- давлат кадастрлари ягона тизимига киритиш учун тегишли ахборот тақдим этиш;
- фойдаланувчиларни қонун хужжатларида белгиланган тартибда кадастрга доир ахборот билан таъминлаш.

fido-biznes

# Давлат кадастрларини юритишнинг асосий принциплари

- -кадастр объектларининг ҳар бир тури бўйича Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудини тўла қамраб олиш;
- -фазовий координаталарнинг ягона тизимини қўллаш;
- -кадастрга доир ахборотни шакллантириш услубиятинниг ягоналиги;
- -кадастрга доир ахборотнинг аниқлиги;
- -кадастрга доир ахборотнинг очиқлиги.

# Давлат кадастрлари ягона тизими тушунчаси

- Давлат кадастрларининг ягона тизими Ўзбекистон Республикаси ва унинг айрим ҳудудлари табиий-иқтисодий салоҳиятининг ягона умумдавлат ҳисоб-китоби юритилишини, баҳоланишишини таъминлашга мўлжалланган кўп мақсадли ахборот тизимидир.

# Давлат кадастрлари ягона тизими (ДКЯТ)

- ДКЯТ - “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси ва унинг айрим ҳудудларининг табиий-хўжалик салоҳиятини ягона умумдавлат яхлит ҳамда комплекс ҳисоб-китоби юритилишини, баҳоланишини таъминлаш мақсадида географик ахборот тизими (ГАТ) шаклида яратилади ва юритилади.

# Давлат кадастрлари ягона тизими

- ***ДКЯТ*** - давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини, юридик ва жисмоний шахсларни уларнинг фаолияти, шу жумладан ресурсларнинг барча турларидан фойдаланишни бошқариш ва прогнозлаш масалаларини ҳал қилиш, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ҳамда ҳудудларни ривожлантириш бўйича лойиҳавий қарорлар ишлаб чиқиш ва бошқалар учун зарур бўлган ахборот билан тезкор таъминлаш учун мўлжалланган.

# Давлат кадастрлари ягона тизими

- Ер, конлар, фойдали қазилмалар ва техноген ҳосилаларнинг юзага чиқиш ҳоллари, сув, ўрмонлар, ўсимлик ҳамда ҳайвонот  дунёси, алоҳида қўриқланадиган табиий ҳудудлар, бинолар ва иншоотлар, шаҳар ва посёлкалар, гидротехника иншоотлари, маданий мерос объектлари, автомобиль йўллари ҳамда темир йўллар, етказиб бериш қувурлари, алоқа объектлари, энергетика объектлари, чиқиндиларни кўмиш ва йўқ қилиш жойлари, табиий ва техноген хавф юқори бўлган зоналар, геодезик пунктлар ҳамда ДКЯТ масалаларини ҳал этиш учун зарур бўлган бошқа объектлар ***ДКЯТ объектлари ҳисобланади***.

fido-biznes

# Давлат кадастрлари ягона тизими

1. Давлат ер кадастри;
2. Конлар, фойдали қазилмалар ва техноген ҳосилаларнинг юзага чиқиш ҳоллари давлат кадастри;
3. Давлат сув кадастри;
4. Давлат ўрмон кадастри;
5. Ўсимлик дунёси объектлари давлат кадастри;
6. Ҳайвонот дунёси давлат кадастри;
7. Қўриқланадиган табиий ҳудудлар давлат кадастри;
8. Бинолар ва иншоотлар давлат кадастри;
9. Давлат шаҳарсозлик кадастри;
10. Гидротехника иншоотлари давлат кадастри;

fido-biznes

# Давлат кадастрлари ягона тизими

11. Маданий мерос объектлари давлат кадастри;
12. Автомобиль йўллари давлат кадастри;
13. Темир йўллар давлат кадастри;
14. Етказиб бериш қувурлари давлат кадастри;
15. Алоқа объектлари давлат кадастри;
16. Энергетика объектлари давлат кадастри;
17. Чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастри;
18. Табиий хавф юқори бўлган зоналар давлат кадастри;
19. Техноген хавф юқори бўлган зоналар давлат кадастри;
20. Картография-геодезия давлат кадастри;
21. Ҳудудлар давлат кадастри.

# Давлат кадастрларини юритиш тизимининг инфратузилмаси

**«Ергеодезкадастр» давлат Қўмитаси**

**«Ергеодезкадастр» давлат Қўмитаси ҚР, вилоят ва Тошкент ш. бошқармалари**

**«Ергеодезкадастр» давлат Қўмитаси туман (шахар) бўлимлари**

**“Ергеодезкадастр” давлат Қўмитаси марказий аппарати дастурий-техник мажмуаси (Геодезия ва картография миллий Марказида)**

**14**

**“Ергеодезкадастр” давлат Қўмитаси ҚР, вилоятлар ва Тошкент ш. бошқармалари дастурий-техник мажмуаси**

**217**

**“Ергеодезкадастр” давлат Қўмитаси туман (шахар) бўлимлари дастурий-техник мажмуаси**

# Давлат кадастрларини юритиш технологияси



# Давлат кадастрларини юритиш технологияси



# Давлат кадастрларини юритиш технологияси



# ДКЯТнинг умумий тузилиши



# ДКЯТни **марказлашган** маълумотлар базаси асосида яратиш ва ундан фойдаланиш схемаси



# ДКЯТ ахборотлари

Кадастр рақами ёки бошқа реквизитлари билан излаш

Объектнинг харитаси ва кадастр маълумотларини кўрсатиш

Кадастр маълумотлари асосида Ҳисоботлар чиқариш



# ДКЯТ ахборотлари

## Кадастр режалари билан
## атрибут маълумотларнинг боғланиши



# Эътиборларингиз учун рахмат!